



Дилором ФАЙЗИЕВА: ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН АЛОҚАЛАР ТИКЛАНЯПТИ

Кеча Тошкентда “Ўзбекистон ва Туркманiston: ўзаро ҳамкорликнинг янги тарихий босқичида ривожланиш истиқболи” халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Мухбиримиз анжуман спикерларидан бири – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Дилором Файзиевадан интервью олди.

– Анжуман жуда фойдали бўлди ва келгусида, албатта, ўз натижасини беради. Мулоқотда Ўзбекистон ва Туркманiston ўртасидаги сиёсий, савдо иқтисодий ҳамда маданий гуманитар алоқалар тўғрисида фикр алмашилди. Шу билан бирга, парламентларимиз кун тартибига қандай масалалар қўйишимиз лозимлигини ҳам белгилаб олдик.

Шуни алоҳида қайд этиш жоиз, 2020 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро муносабат тубдан такомиллашди. Ҳозир биргаликдаги саъй-ҳаракатни янада фаллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Парламентимиз томонидан Ўзбекистон ва Туркманiston бўйича тузилган барча йўл хариталари, режа ва чора-тадбирлар ижроси мунтазам ўрганилиб, таҳлил этиб бориляпти.

Сир эмас, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация йўна-

лишларини ривожлантиришда ўзига хос ташқи омиллар таъсири бўлгани учун маълум бир муаммолар ҳам мавжуд. Бугунги мулоқотда ушбу муаммоларни қандай қилиб бартараф қилиш бўйича фикрлашдик. Қолаверса, стандартларни ягоналаштириш борасида ҳам таклиф, мулоҳазалар билдиридик.

Ўтган йили Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга ташрифидан сўнг Ўзбекистон ва Туркманiston ўртасида маданий-гуманитар алоқани ривожлантириш юзасидан алоҳида дастур қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат асосида икки давлат санъат, адабиёт вакиллари иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказилди. Бундай тадбирлар маданий алоқани янада юксалтириш, халқларимизни жипслаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, илм-фанни ривожлантириш, адабий, тарихий ва маданий меросимизни ўрганиш борасида ҳам имконият бериб берилди. Қардош ўзбек ва туркман халқлари чуқур умумий тарихий илдизга эга. Бугун ота-боболаримиз орзу қилган алоқаларни тиклашнинг айна вақти, деб уйлайман.

2023 йили Ўзбекистон ва Туркманiston ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилганига 30 йил тўлади. Айна пайт ушбу санани муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўриляпти. Келгусида мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро, давлат идоралари ўртасида, халқ дипломатияси йўналишида муносабатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

ЎзА

ТЕРГОВ ОРГАНИ АЛОҲИДА БЎЛИШИ ЗАРУР



Расул КУШЕРБАЕВ:
Олий Мажлис Қонунчили палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси


Бу ҳақда кўп йиллардан бери таклифлар айтиб келинади. Лекин шу вақтга қадар уни амалга оширишнинг фундаментал асоси яратилмади. Камига эса идоравий манфаат юзасидан бунга қаршилар ҳам кам эмас.

Афсуски, прокуратурада бир вақтнинг ўзида тергов функцияси ҳам мавжудлиги сабабли бу идорани ҳамон фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи оқловчи орган, деб бўлмайди. Идора нуфузи ва манфаати, “погон ҳурмати” каби инсон омили билан боғлиқ “қаричлар” унинг оқловчи сифатида одил судловни амалга оширишига халақит беради.

Шунингдек, жойларда одил судловни амалга оширишда муҳим бўлган – ички ишлар терговчиларининг бир вақтнинг ўзида ҳудудий ИИБ бошлиғига бўйсунуши ҳам мантисизликдан бошқа нарса эмас. Чунки ҳар доим ҳам ИИБ бошлиғи терговдан чиққан, тергов сир-синоатларидан хабардор шахс бўлмаслиги мумкин-ку!

Умуман айтганда, одил судловни амалга оширишда терговнинг ҳар қандай таъсирлардан холи, холис орган бўлиши учун барча давлат органлари, жумладан, Ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизматининг тергов функцияларини ўзида жамлаган алоҳида тергов органини ташкил этиш зарур.

Менимча, ушбу масала Конституцияда алоҳида акс эттирилиши керак, деб ҳисоблайман. Бу таклиф қабул қилингудек бўлса, ушбу орган демократик принципларга мос, инсон ҳуқуқлари юксак даражадаги одил судловни амалга оширишга кўмак берган бўларди.



“ОЧИҚ МУЛОҚОТ” ЛАР
ОЧИҚ БЎЛИШИ КЕРАК

3с.



ЧИРОҚЧИДА
МИЛЛИОНЕРМАС,
МИЛЛИАРДЕРЛАР
КЎПАЙСИН!

4с.



“ЛЕЗГИНКА” ДАН
АВВАЛ
“ЛАЗГИ”НИ
ЎРГАНИНГ!

5с.

ИНСОФ ҲАМ ҚЎШИБ СОТИЛЯПТИ

Ёхуд ПОШХОНА-ОШХОНАЛАРДАГИ
НАРХ-НАВО ҚАЧОН НАЗОРАТ
ҚИЛИНАДИ?

5с.



...Очиқ айтиш керак, одамларнинг касалланган молларини арзон гаров нархда сотиб оладиган қассоблар ҳам кўп. Касалланган чорва моли майли-ку-я, ҳаром қотган моллар гўштини ҳам деярли текин нархга баҳолаб олиб кетишгани ҳақида кўпгина ҳолатларни биламиз. Бу гўшлар албатта канорада сотилмайди, балки кабобпаз ва сомсапазларга тарқатилаётгани аниқ.

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ҲОКИМЛАР ОАВДАН
УЗОҚЛАШЯПТИ...МИ?

“АБИТУРИЕНТ-2022” ДАН
КЎНГИЛ ТЎҚМИ?

ҲАЙКАЛЛАР МАМЛАКАТИ
ҚАЕРДА?

НЕГА ЖАРИМА САНКЦИЯСИ ҚЎЛЛАНМАЙДИГАН БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқилган “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 46-моддаси, яъни, тадбиркорлик субъектларига мажбурий талабларни бажармаганлик учун молиявий санкциялар қўллаш билан боғлиқ модда жуда кўп баҳсларга сабаб бўлганидан кўпчилик хабардор.



Шухрат ШАРАФУТДИНОВ:
Олий Мажлис Қонунчили палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Масаланинг асл моҳияти шунда эдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6240-сонли фармонида белгиланган тадбиркорлик субъектларига енгиллик берадиган қисмига оид вазифалар қонун лойиҳасида тўлиқ акс этмаётган депутатлар эътирозига сабаб бўлган эди.

Муҳокамалар жараёнида ушбу масалага ниҳоят нуқта қўйилди: яъни тадбиркорлик субъектлари соҳадаги белгиланган мажбурий талабларни бажармаганлик ҳолати аниқланган тақдирда, улар аввал огоҳлантирилади.

Агар шундан сўнг ҳам қоидабузарлик давом эттириладиган бўлса, жисмоний шахсларга жарима санкцияси, юридик шахсларга эса мо-

лиявий санкция қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Янги қонун лойиҳасига бундай қоидадан киритилиши, албатта, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, йўл қўйилган ҳатони ўз вақтида бартараф этиш имконини ҳам беради.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хаитов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва торморқа эр эгалари кенгашининг Жиззах вилоят бўлими раҳбари Анорбой Эшматов, маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ва партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳ Жиззах вилоятидаги корхона ва маҳаллаларда бўлиб, конституциявий ислоҳотларга оид қонун лойиҳаси муҳокамаларида иштирок этишди.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАММАСИДАН УСТУН

Мана шу қатъий тамойил Конституцияга киритилиши кутилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг бош мезонидир

Мазкур тадбирлар бир вақтнинг ўзида тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан яқиндан мулоқот қилиш учун яхши имконият бўлди. Модомки, ишчи гуруҳ аъзолари ўрганишлари Жиззах шаҳридаги "NEW LAND" МЧЖдан бошлагани бежиз эмас. Мазкур тикувчилик корхонасида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган сифат жиҳатдан бутунлай янги ислоҳотларнинг амалии самараси яққол кўзга ташланиб турибди. 2018 йилда иш бошлаган трикотаж фабрикасида 278 киши, асосан, хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Корхонада йилига 2 миллион дона эркалар, аёллар ва болалар кийимлари тайёрланмоқда. Қиймати 2 миллиард сўмга яқин маҳсулотлар ички бозорга, 3,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар эса экспортга йўналтирилмоқда. Яқин икки йилда экспортни 8 миллион АҚШ долларига, иш ўринлари сонини 550 нафарга етказиш режалаштирилган.

Ишчи гуруҳ аъзолари корхонада яратилган шарт-шароитлар, "Фарали" бренди остида чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар намуналари билан танишдилар. Сўнгра конституциявий ислоҳотларга оид қонун лойиҳасидан ўрин олган ўзгариш ва қўшимчаларнинг долзарблиги, зарурияти ва мазмун-моҳияти ҳақида фикр алмашдилар. Жумладан, ян-



ги тахрирда қабул қилиниши кутилаётган Конституцияга киритиш учун таклиф қилинаётган хусусий мулк ва унинг ишончли кафолати, фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларини мустақамлаш, шунингдек, таълим ва тиббиёт соҳаларига оид қатор нормалар атрофлича муҳокама қилинди.

Айни пайтда 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Тадбиркор аёл ўз фаолиятига янада кенгайтириш ниятида. Бунинг учун ер майдони ажратилган эрдан сўраб, ишчи гуруҳ аъзоларига мурожаат қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ишчи гуруҳ аъзоларининг Жиззахдаги учрашувлари партия фаоллари томонидан конституциявий ислоҳотларга оид қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда олиб борилаётган амалий ишларнинг узвий давоми бўлди. Шундай мулоқотлар бошқа туманларда ҳам ташкил этилмоқда.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТАДБИРКОРНИНГ ҲАМ ЕЛКАСИГА ОФТОБ ТЕГАДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани, айниқса, ушбу муҳим сийёсий ҳужжатнинг 53-моддасида ўрта қатлам вакиллари – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳамюртларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ифодалангани ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Конституциямизга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда tutuvchi конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Мен ҳам тажрибали тадбиркор сифатида қонун лойиҳасининг айрим моддалари бўйича ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

Жумладан, янгиланаётган Конституциянинг 53-моддаси 5-қисмига киритилаётган "Тадбиркорлар қонунчилиқда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолиятининг йўналишини мустақил равишда танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли" деган нормага этибборингизни қаратмоқчиман.

Президентимизнинг жорий йил 20 июнь кuni Конституциявий комиссия аъзолари би-

лан ўтказилган учрашувдаги маърузасида ҳам айнан шу моддага алоҳида урғу берилгани, давлатимиз раҳбари томонидан буни Конституцияда мустақамлаш таклифи илгари сурилгани бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда Конституциянинг 53-моддасига киритилаётган мазкур қўшимчалар эркин бозор иқтисодиётини тавсифловчи энг муҳим принципларни ўзида ифода этиб, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишга доир асосий вазифаларини белгилайди ҳамда "Қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятга руҳсат берилди" принципи асосида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартиб солинган асосий мезонларни конституциявий даражада мустақамлашди. Бизнингча, Конституцияга киритилаётган мазкур нормалар Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик ва инвестицион муҳитнинг шаклланишига, хусусий сектор улushiни оширишга, янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадларининг ошиши ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Конституциявий қонун лойиҳасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар Уччинч Ренессанс пойдеворини барпо этаётган халқимиз учун том маънодаги бахтимиз қомуси сифатида эътироф этилиши ва бунёдкор халқимиз томонидан яқдиллик ҳамда мамнуният билан куттиб олинishi шубҳасиздир.

Комилжон РЎЗИЕВ,
Осиё-Океания Кураш
конфедерацияси президенти,
хусусий тадбиркор, O'zLiDeP фаоли

МАҲАЛЛА МАҚОМИ БЕЛГИЛАНСА...

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Эртага "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасининг халқ муҳокамаси учун тақдим этилган мuddат ниҳоясига етади. Кенг жамоатчилик ушбу сийёсий жараёнда фаол қатнашгани барча ҳудудларда кузатилди.

O'zLiDePнинг ҳудудий кенгашлари томонидан жойларда ташкил этилган очиқ мулоқотларда ҳам жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини қамраб олган мазкур қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Айниқса, партиянинг қўйи бўғини ҳисобланмиш бошланғич партия ташкилотлари ҳам бу борада фаоллик кўрсатишмоқда.

Партиянинг Тошкент туман кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги 3-секторда халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, "Озодлик", "Хувайдо", "Ифтихор", "Оқибат", "Аҳиллик", "Сағбон", "Ободлик", "Тинчлик", "Учсада", "Қирарик" МФЙларидаги БПТ раҳбар ва аъзолари иштирокида ташкил этилган тадбирда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришлар хусусида қизгин баҳс-мунозараларга гувоҳ бўлдик. Энг муҳим жиҳати шуки, Конституцияни ислоҳ қилишда асосан халқнинг фикри, таклифлари кенг ўрганилаётгани юртимиз-



да инсон қадри юксалаётганининг яна бир исботи эканига урғу берилди.

Хусусан, Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган айрим қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, амалдаги Конституцияда фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, бу ўзини ўзи бошқариш йўли билан ҳам амалга оширилиши белгилангани, эндиликда эса бу норма бойитилиб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига таъриф берилиб, қайси масалалар фуқаролар томонидан мустақил равишда ва қонун доирасида ҳал этилиши конституциявий жиҳатдан мустақамлаб қўйилаётгани шарҳланди. Демак, шу орқали Асосий қонунимизда маҳалланинг мақоми ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб берилаётгани кўпчилиكنинг кўнглидаги иш бўлди. Бунда

алоҳида кўрсатиб ўтилаётганидек, маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги қирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга кўмак кўрсатишига оид тамойиллар асосида ўз ишини ташкил этиши лозимлиги аниқ белгилиниб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга мустақам тамал тоши қўйилляпти.

Очиқ мулоқот иштирокчилари ҳам мазкур нормага киритилаётган қўшимчани бир овоздан қўллаб-қувватлашларини билдириб, бу борадаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

БУ – ДАВЛАТНИКИ, БУНИСИ ХУСУСИЙ ДЕГАН ТЎСИҚ КЕРАКМИ?

СИРДАРЁ

Айнан ана шу каби баҳсталаб мавзуларга бағишланган тадбир O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши томонидан уюштирилди. Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали биносида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасига фуқароларнинг таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини ўрганиш юзасидан ўтказилган тарғибот тадбирида шу вақтгача очиқ қолаётган қатор саволларга биргалликда жавоб изланди.

Мазкур институтнинг Янгиер филиали профессор-ўқитувчилари, партиянинг Сирдарё вилоят ва Янгиер шаҳар кенгаши вакиллари, ёшлар ҳамда фаоллар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, жорий йил 20 июнь кuni Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида илгари сурилган тўртта устувор йўналиш бўйича таклифлари мазмун-моҳияти хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашининг ёшлар ва бизнес тузилмалар билан ишлаш бўлими мудир Хусан Жабборов Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ягона мақсад "Инсон қадри" тамойилига асосланишни таъкидлади.

Ноорганик моддалар кимёвий технологияси факультети де-



кани ўринбосари Дилрабо Саматова амалдаги Қомусимизнинг 41-моддасига киритилаётган қўшимчалардан бири – "Давлатга қарашли, хусусий ва бошқа шаклдаги таълим муассасалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш учун давлат тенг шарт-шароитлар яратати" деган банди мамлакатимизда таълим сифатини янада яхшилашга ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. Бойси, шу вақтгача жамоатчилик орасида бу борада турлича қарашлар мавжуд эди. Агар ана шу каби асосли таклифлар инobatга олинса, айрим тушунмовчилик ва тўсиқларга барҳам берилган бўлар эди.

Тадбир якунида O'zLiDeP Янгиер шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Нормурод Бобохонов партиянинг ушбу муҳим сийёсий жараёнда фаоллик кўрсатаётган аъзоларига миннатдорлик билдирди.

O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

САМАРҚАНД

Очиғи, Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга бағишланган муҳокамалар бу қадар қизғин ва муросасиз кечиши кўпчилиكنинг хаёлига ҳам келмаганди. Лекин бугун мамлакатнинг барча бурчакларида ушбу сийёсий жараёнда ҳеч ким қузатувчи ё томошбин бўлиб ўтиргани йўқ. Жойларда ўтказилаётган тадбирларда жамоатчилик вакиллари фаол қатнашяпти.

Ана шундай тадбирлардан бири қадим Самарқанд шаҳрида уюштирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамкорлигида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нуқтада белгилаб берилган вазифалар ҳамда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишда O'zLiDePнинг иштироки мавзусига бағишланган давра суҳбати анча жонли тарзда кечганини таъкидлашни истардик.

Мулоқотга O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, Самарқанд давлат

ҲЕЧ КИМ ТОМОШАБИНЛИК ҚИЛАЁТГАНИ ЙЎҚ



ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети катта ўқитувчиси Жамила Сайфиддинова чмодераторлик қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари Наврўз Ризаев, Ғайрат Абдиев, O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Бахтиёр Хўжаёровларнинг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси юзасидан соҳалар кесимида тақдим этган ҳаётий маълумотлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Маъруза қилганларнинг қайд этишларича, инсон шаъни ва кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун қўйиш, сифат-

ли ва малакали тиббий хизматни ташкил этиш, таълимни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, муносиб меҳнат шартларини таъминлаш ва ҳақ тўлаш, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига устувор аҳамият қаратиш, хусусий мулкни ҳимоялаш, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш каби йўналишларда конституциявий кафолатни кучайтиришга доир масалалар хусусида халқимизни ўйлантираётган жумбоқлар кўплиги маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур жараёнда нафақат юридик соҳада муайян билим ҳамда тажрибага эга мутахассислар, олимлар, балки мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган турли аҳоли қатламлари ва ёшлар ҳам фаол иштирок этганлиги алоҳида қайд этилди.

Эътиборлиси, таклифларнинг 65 фозидан ортиги айнан 30 ёшгача бўлган фуқаролардан келгани бунинг яққол тасдиғидир. Бунда ёшлар манфаатлари ва қизиқишлари инobatга олиниб, таклифларни замонавий ахборот воситалари орқали қабул қилиш чоралари кўрилуши муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳонгир ХЎЖАМҚУЛОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудир

“ОЧИҚ МУЛОҚОТ”ЛАР ОЧИҚ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Юзма-юзлик юз ва юзликка – юзсизликка айланганда ижтимоий тармоқ билан ижтимоий фаолликнинг фарқини англаш, аҳолининг чинакам кайфиятини билиш-сезиш янада мушкуллашади. Пировардида...



фойдаланишган.

Хайриятки, давлат раҳбарининг қатъий ҳаракати ва адолатли фармонлари туфайли жанжал газак олмасдан тўхтатилди. Бир макондаги икки халқни ўзаро душманга айлантириш сценарийси “иссиқ изи”дан фаш этилди. Аммо минг афсуски, гўё пульт билан бошқарилган тартибсизликлар вақтида унлаб юртдошимиз ҳалок бўлди, юзлаб қардошимиз жароҳатланди, минглаб ватандошимиз руҳан азобланди.

Назаримда, икки кунлик тўполоннинг ҳақиқий сабаби янги қонун лойиҳасидаги айрим моддалар бўлганда ҳам, ўйлаётганимиз, унинг олдини олиш мумкин эди. Бунинг учун эса турли идораларга юбориладиган ҳисоботларда фалон-та тadbир ўтказилди, деб ёзилган “Очиқ мулоқот”ларда ҳақиқатан очиқ мулоқот қилиш, одамларни эримасдан эшитиш керак эди. Қани ўша мулоқот? ТВда тинмай мактабдаги “самарали давра суҳбатларининг таъсирчанлиги”-ни кўрмаймиз-ку!?

Жойлардаги ҳокимлик мутасаддиларини, секторлар раҳбарларини кўя турайлик (уларга алоҳида саволларимиз бор). Олий Мажлисидаги, Жўқорғи Кенгесдаги, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, энг яхшилар сифатида уларнинг номзодини илгари сурган партиялар нега тарғибот бобида керакли натижага эриша олмапти? Барча шароитлар мавжуд бўла туриб, нима учун бурч адо этилмаяпти? Алалхусус, сохта лидерлар бўш қолган майдонни бажонидил тўлдиряпти – одми омманинг онгини захарляпти.

Қонун лойиҳасининг айрим жойларидан кўчириб олинган уч варақ умумийликка йўғрилган матни ўзидан-да ҳиссиз ўқиб бериш очиқ мулоқотми? Расмийликдан қочиқ, мақсадни содда ва самимий тилда айтиб бериш наҳот шунчалар қийин бўлса? Дилдан сўйлаганга кўнглини очди ҳозирги одамлар. Депутатнинг хўжақўсини учун келганини пайқабди сайловчи борки, тезроқ тугашини кутади шаблон маърузанинг.

Ҳеч ким ҳеч нарса олмаган “мулоқот”дан чиқиши би-

лан (ё шу ернинг ўзида) ижтимоий тармоқ билан овунади. У ерда эса “қизил кўйлак”ларни “эл хизматида” ниқоби остида бирлаштирган ғаразли блогеру вайнерлар, кўчанинг ўртасида тўн қиядиганлар ёвуз ниятга етиш учун “қанди ҳам, қамчини ҳам” аямасликка тайёр турибди.

Дўппини олиб ўйлашимиз, бўлиб ўтган воқеалардан хулоса чиқаришимиз даркор. Айниқса, депутатлар ва жамоат ташкилотларининг юзлаб вакиллари ёшларни тўрт-беш ғаламиснинг кўтүсию сохта ғояларидан асрай олмагани, Янги Ўзбекистондаги эзгу интилишларнинг мазмун-моҳиятини уларга маромда, қаловини топиб етказиб бера олмагани учун масъулиятни зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир.

“Очиқ мулоқот”ларнинг очиқ мулоқот бўлмаётгани учун биз – журналистлар ҳам айбдоримиз. Биласизми, тadbирга боришимиз билан ташкилотчилардан пресс-релиз сўраймиз. Эринчоқлик туфайли қўлга тутқазилган варақдан “қизғин муҳокамалар” деган жойини кадр ортиндан уялмай ўқиб бераверамиз. Охири нима бўлади – на ТВга, на матбуотга ишонади элнинг ёшу қариси. Қўй уларни, юзма-юзликни юз ва юзликка алиштирган, дея ҳақли эътироз билдиради. Журналистикага адашиб кириб қолганларнинг ё юз грамм, ё юзталик ишқиди одамлар зўрга чидаган учрашувни дилкаш гурунг сингари ёритиши ҳали кўп йиллар жамият тараққиётига тушов бўлади-ёв.

Энг ёмони, давлат ҳокимияти ўрта бўғинининг тулпа-тузук амалдорлари ҳам ижтимоий фаоллик деганда телеграм канали очиб ёки фейсбукда пост қўйишни тушуниши аламли. Шунинг ҳам ўзи юритмайди. Уч ёрдამчисидан бири олди-қочди гапларни ҳатто хатолари билан жойлаб ўтиргани учун ойлик олади.

Аслида, Чўлпон айтмоқчи, кучоқ очиб эл ичига бориш, аҳолининг томир уришини билиш ижтимоий фаолликдир. Нима қай тарзда одамлар кайфиятини ўзгарира олишини сезиш ижтимоий фаолликдир. Ислохотлар муваффақиятига амалда ишонтира олиш ижтимоий фаолликдир. Қабулга келганин нечинчидир ўринбосарига йўналтирмалик ижтимоий фаолликдир. Уни астойдил эшита олиш, унинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш ижтимоий фаолликдир.

Ишонинг, маҳаллий раҳбарлар том маънода ижтимоий фаол бўлган жойларда муаммолар кўндаланг бўлиб қолмайди. Муаммо туғилмас, ҳокимиятга нисбатан норозилик ҳам туғилмайди. Энди тушунгандирсиз Президент Шавкат Мирзиёев нима учун Ўзбекистон Конституциясига “ижтимоий давлат” тушунчасини киритиб, кейинги сиёсатни айна йўналишида давом эттиришга бел болагани ва инсон қадрини ҳамма нарсадан юқори қўйганини?..

Озод РАЖАБОВ,
шарҳловчи

БЎЗАТОВДА ФАРҒОНА НАФАСИ КЕЗМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманида бугунги кунда барча соҳаларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлидаги ислохотларда фарғоналиклар ҳам фаол қатнашаётир.

Йиллар силсиласида тобланган бугунги Бўзатов туманида янги ҳаёт, янги имконият эшикларини очилди. Кейинги икки йилда аҳоли кўндалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган шароитларни яратишга бўлган эътибор ошди. Ёшлар маркази, футбол майдони, минг ўринли маданият саройи, болалар спорт мактаби, Бердақ боғи, мактаб, шифохона, мактабгача таълим ташкилоти, молия, ғазначилик, бандликка кўмаклашиш, Давлат хизматлари маркази сингари янги бино ва иншоотлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриб битказилди.

Бўзатов асосан қишлоқ хўжалиги ихтисослашган ҳудудлар эканлигини инобатга олиб, янги ерларни ўзлаштириш, сув олиб келиш, ҳудуд иқлим ва ер шароитига мос бўлган экин турларини жойлаштириш ва парваришлагаша алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунга қадар 13 та ташаббускор тadbиркор 3 минг 428 гектар ер майдонлари электрон онлайн-аукцион қўлиблари бўлди. Ер майдонлари боққичма боққич ўзлаштирилмоқда. Айни кунда 143 километр ариқлар ва 97 километр коллекторларни тозалаш, 2 та янги насос станциясини ишга тушириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

1 минг 544 гектар ер майдони ўзлаштирилди. Бу белгиланганидан 220 гектар кўп. Ўз вақтида олиб борилаётган агротехник тadbирлар, бўзатовлик деҳқонларнинг амалий ёрдами, қўллаб-қувватлашлари натижасида ниҳоллар бараваж ривожланмоқда. Шунингдек, боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик, иссиқхона хўжаликларни ташкил этиш, озуқабоп экинлар етиштириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар



амалга оширилади.

– Одамларнинг яратувчилик, ривожлантиришга бўлган иштиёқи баланд, – дейди “Фарғона-Бўзатов тadbиркорлики қўллаб-қувватлаш” дирекцияси директори Акмалхўжа Саидов. – Биргина қишлоқ хўжалиги йўналишида 320,2 миллиард сўмлик 23 та лойиҳа, инвестиция дастури доирасида 36 та лойиҳа амалга оширилади. Бу бир вақтнинг ўзида 1600 дан ортққ янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Шунингдек, саноат, хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожлантириш бугунги куннинг муҳим амалларидан. Натижада, 179,4 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати яратилади, 14,6 миллион долларлик маҳсулот экспортни амалга оширилиб, маҳаллий бюджетга 11,6 миллиард сўм тушум туширилади.

“Yauran univer cluster” масъулияти чекланган жамияти томонидан пахтачилик кластери томонидан ҳозирга қадар 1 минг 100 гектар ўзлаштирилиб, 60 гектар пахта, 90 гектар соя, 10 гектар ерда картошка парваришланмоқда. Айни кунда бенуқсон униб чиққан фўзалар шоналади, соя гулга кирди.

– Кўкшел худудидаги узок йиллар фойдаланишдан қиқиб кетган бу ерлар яқингача юлғунзор эди, – дейди кластер корхонаси



иш бошқарувчиси Қаҳрамонжон Имомназаров. – Ўзлаштирилган майдонларда бир пайтнинг ўзида учта жарайён – ер ҳайдаш, боро-наш, мола қилиш ишлари бажарилиб чигит экилди. Чунки барча юмушлар бир кунда бажарилмас, тупроқнинг нами қочиқ, уруғ униб қиқиши кечикади. Олимлар тавсия билан тупроқ иқлим шароитига мос “С-4727” пахта навини эдик. Мазкур навадн биринчи йилнинг ўзида 35 центнергача ҳосил олиш мумкин. Мақсадимизқ шу йилнинг ўзи-

да гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш.

Кластер корхонасида маҳаллий аҳоли учун юзга яқин янги иш ўрни яратилди. “Қусханатов” масъулияти Амурдарё этагида жойлашган. Ун қақиримдан кўпроқ масофада дарё суви қорақалпоқ диёрининг асрий қишлоқлари ва овуллари-га ризқ-насиба улашиб, турли ирмоқларга бўлиниб оқади. Азал-азалдан бу қумоқ ерларда полиз маҳсулотлари етиштириб келинган. Қадим анъананага амал қилган Бешарик туманидан келган “Рамз Бўзатов боғи” ғаллачилик кластери ташаббуси билан 32 гектар ерга таъми тилни ёрган кузги қовун уруғлари экилди. Кенг пайкаллар бўйлаб палак ёзаётган кўчтарларда ҳосил нишонлари буй кўрсатиб турибди.



– Қорақалпоқ диёрида қовун етиштириш бўйича ўзига хос тажриба ўтказилиб, экспорт имкониятларини ўрганишга ҳаракат қилияпти, – дейди “Рамз Бўзатов боғи” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рамзбек Раимов. – Ерлар унумдор, қовундан яхши ҳосил олишимизга ишонаман.

ЎзА



ФРАКЦИЯ АЪЗОСИ ҲАР ДОИМГИДЕК ФАОЛ

Яккабоғ туманидаги маҳалларда ҳам Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тadbиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида қизғин ўтмоқда.

Учрашувларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳамтова “инсон – жамият – давлат”, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилларни конституциявий қонун сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида атофрлича маълумот бермоқда. Мулоқотларда қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди, жўяли тақлифлар илгари сурилди.

Туманинг Нурафшон ва Обод маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш борасидаги ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирди.

ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

ЧИРОҚЧИДА МИЛЛИОНЕРМАС,

...ДАМ ҚИШЛОҒИДА ЯШОВЧИ ОИЛА БЕКАСИ САЛИМА ЭШМУРОДОВА ФАРҲОД ЭЛМУРОДОВ БИЛАН ТОМОРҚАЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНАНИ КЕЛГАНИДА ТАНИШГАН ЭДИ. ЎШАНДА O'zLiDeP ТУМАН КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИДАН САЛИМА ОПА ИССИҚХОНА ҚУРИШ УЧУН БАНКДАН КРЕДИТ ОЛИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШНИ СЎРАДИ. У ВАҚТ ТОПИБ ЎЗИГА УЧРАШИШИ КЕРАКЛИГИНИ АЙТГАНДИ.

МИЛЛИАРДЕРЛАР КЎПАЙСИН!



Қишлоқдошларининг иссиқхона қуриб, яхшигина даромад топаётганини кўрган Салима ҳам оилавий бизнесни ривожлантиришга аҳд қилди. Туман марказига бориб, Фарҳод Элмуродовни излаб топди. Унинг маслаҳати ва

чиқарди. Бу йил помидор экишга улгура олмади, 7 сотих ердаги иссиқхонамизга булғор қалампери кўчатларини қадагандик. Даромадимиз ёмон бўлмади. Иссиқхонанинг бир четига помидор ва бодринг ҳам экиб, синаб кўр-

даромад эвазига одамлар уй кўтариб, элга тўй беришди, янги машиналар харид қилишмоқда.

Дарҳақиқат, бундан бир неча йил муқаддам қишлоқ аёлларининг мурожаати Халқ

борасида амалий маслаҳатлар беради. Қишлоқ одамлари иссиқхона тажрибасини яхши ўзлаштирибди. Кўпчилик хонадонларда помидор, бодринг, лимон етиштирилиб, яхшигина даромад олинди.

Халқ депутатлари Чироқчи туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи, туман партия кенгаши, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамкорликдаги фаолияти одамлар хонадонига фаровонлик олиб киряпти.

Биргина мисол, "Дам" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқларда 5 336 нафар аҳоли истиқомат қилади. 1 812 та хонадоннинг аксариятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Оқова сув таъминотида ҳеч қандай муаммо йўқ. Туманда миллионер томорқачилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бугун туманда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари сони 44 961 нафар бўлиб, 16 264 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. 5 597 гектар майдонда эртачки экин етиштирилмоқда. 2 916 гектар ерга такрорий экин сифатида сабзавот, полиз, картошка, дуккакли, мойли ва бошқа экин уруғлари қадаш бошлаб юборилди. 876 гектар майдонга август-сентябрь ойларида тўқсонбости экинлар ҳисобланган пийёз ва саримсоқпийёз экиш режалаштирилган.

Кенгаш томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолига 2 миллиард 650 миллион

сўм 14 фоизли кредит маблағлари ажратилган бўлса, иккинчи чорада томорқа ер эгаларига ихчам иссиқхона қуриш учун 3 млрд. сўм молиявий кўмак берилди.

– Туман аҳолиси ўртасида камбағалликни қисқартириш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз яхши самара бермоқда, – дейди O'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Элмуродов. – Оқова сув таъминотида ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли томорқаларини сув билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Вазирлар Маҳкамасининг 459-сонли қарори асосида 35 нафар фуқарога субсидиялар ажратилиб, кичик артезиан қудуклари қазиб берилди. Мамнуният билан таъкидлайманки, кейинги олти йил мобайнида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва эътибори туфайли туманимизда "Янги томорқа мактаби" яратилди. Қишлоқ одамлари ердан самарали фойдаланган инсон, албатта, тўқис ва фаровон яшайди деган ҳақиқатни англаб етдилар. Туман кенгликлари яшилликка бурканди, илгари чорвадан бошқисини билмаган одамлар ер билан тиллашши ҳадисини олишди. Бугун Чироқчининг миллионер томорқачиларининг олдига тушадиганлар йўқ десак, муболаға қилмаймиз. Одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ўз ҳаётлари замирида ҳис этишяпти. Ҳалол меҳнатдан келаётган бойлик қишлоқ одамлари ҳаётини тўқис ва фаровон қилиш баробарида гўзаллаштиради.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири



кўмаги билан банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишга эришди. Мана икки йилдирки, рўзгорига барака кирди. Энг муҳими, оила аъзолари учун сеvimли машғулот пайдо бўлди. 4 сотих майдонда бодринг етиштириб, яхшигина даромад қилишмоқда.

Азиза Каримова эса 10 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, помидорнинг диаграмма навидан эккан эди. Даромади чакки эмас.

– Илгари қишлоқдошларимиз бир кило бодринг ёки помидор олиш учун Чироқчи марказига боришар эди, – дейди шу қишлоқлик Сурайё Ҳасанова. – Энди ҳаммаси ўзимиздан

дик. Бемалол эглай олар эканмиз. Бирор ишни бошлашдан кўрқмаслик керак. Бошладингми, янги имкониятлар пайдо бўлавераркан. Келаси йили иссиқхонамизни 15 сотихга кенгайтириб, помидор, бодринг ва булғор қалампери етиштиришни мўлжаллаб турибмиз. Ерларимиз унумдор, фақатгина вақтида ишлов бериш керак. Оилавий тадбиркорлигимизни йўлга қўйишда бизга ёрдам берган туман кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Элмуродов ва депутатимиз Баҳром Худойбергандовдан миннатдоримиз. Бутун қишлоқ аҳли иссиқхона ташкил этишга киришиб кетди. Томорқадан келаётган

депутатлари Чироқчи туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилиб, томорқачиликни ривожлантириш борасида амалий ёрдам беришга келишиб олинган эди. Фарҳод Элмуродов депутат сифатида доимо одамлар орасида. Уларни қийнаб келаётган муаммоларни имкон қадар бартараф этишга ҳаракат қилади. "Дам" МФЙ ҳудудидаги оилавий тадбиркорлар орасида ҳурмати баланд. Томорқачилар фаолиятини ўрганиши келганида уларни қийнаб келаётган муаммоларнинг мақбул ечимини топибгина қолмасдан, фаолиятини такомиллаштириш

O'zLiDeP ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛДА

“МЕН “ART SOFT GIGANT”ДА ИШЛАЙМАН”

Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари, ака-ука тадбиркорлар Олимхон ва Фиёсиддин Бабахановлар томонидан ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни доимий иш билан банд этиш борасида амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Бунда депутатлар асосий эътиборни ўзлари бошқариб келаётган "Art soft holding" компанияси таркибидagi ишлаб чиқариш корхоналарида кўшимча қувватларни ишга туширишга ва шу орқали янги лойиҳаларни амалга оширишга қаратишмоқда.

Айни шу мақсадда, Мингбулоқ тумани Гигант қишлоғи Меҳнатобод маҳалласида лойиҳа умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг замонавий, барча қулайликларга эга бўлган "Art Soft Gigant" тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда корхонада 200 нафар хо-

тин-қиз иш билан таъминланиб, улар томонидан эркаклар, аёллар ва болалар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар асосан экспортга мўлжалланган. Энг асосийси, эндиликда улар бу ерда доимий иш ва ойлик даромадга эга бўлишди.

БАРЧАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

Партия фаоли, ишбилармон аёл Гулсара Тангилова Шўрчи туманида "Мафтун Шўрчи дизайн" тикув корхонасини ишга туширди. Натижада ҳудуддаги кўплаб хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминланди.

Лойиҳа қиймати 417 минг доллар, қуввати 350 ўринли мазкур корхонанинг яқинда очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда ҳозирда 131 нафар қўли гул тикувчи иш фаолиятини бошлади.

– Аёлларнинг ишли бўлиши соғлом оила, кучли жамият барпо қилишнинг асосидир, – дейди корхона раҳбари Гулсара Тангилова. – Айниқса, турмушнинг оғир зарбаларига учраган опа-сингилларимизнинг доимий бандлиги таъминланиши уларнинг ҳаётида, кайфиятида ижобий томонга бурилиш ясади. Эртанги кунга умид уйғотади.

болалар ва аёллар учун пайпоқлар ҳамда гилам тўқиймиз. Маҳсулотларимиз ички бозорда харидоригир. Бу каби танловлар биз аёлларнинг ўз фаолиятимизни янада кенгайтиришга, тажриба алмашишда катта имкониятдир. Натижаларга кўра, учинчи ва иккинчи ўрин тадбиркорлар – М. Жийемуратова ва З. Курбаниязовага насиб этган бўлса, 1-ўрин – хунарманд У. Қалниязова муносиб

деб топилди. Уларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида "XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тўйрлади.



БАНДИХОНЛИКЛАР ҲАР ДОИМ БАНД

Бандихон туманида ҳам "Аёллар дафтари"га рўйхатга олинган хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, уларни хунарли, ишли қилиш учун астойдил ҳаракат қилинаётир. Муаммолари ўрганилиб, имкон қадар ижобий ҳал этиш учун имкониятлар ишга солинмоқда.



O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши "Аёллар қаноти" ва партиянинг туман кенгаши вакили ҳудуддаги айни шу ҳолатларни ўрганди. Тумандаги 7-иттисослаштирилган мактаб-интернатда ўтказилган тадбирда ана шу масалалар муҳокама қилинди. Унда туман оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари, партия фаоли Интизор Мамасалаева бу борада қилинган

ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳозирда ҳудуддаги тадбиркорлар томонидан 26 нафар ишсиз хотин-қиз касбга бепул ўқитилиб, иш билан таъминлангани таъкидланди.

Тадбир сўнггида 22 нафар аёл партия сафига қабул қилиниб, янги бошланғич партия ташкилоти ҳам очилди. Уларга партия аъзолик гувоҳномаларини топширилди.



"Ишбилармон аёл – 2022" кўрик-танловининг Нукус туман босқичида ҳар йилгиданда қизқарли бўлди. Туманда фаолият юритаётган ўнга яқин тадбиркор, фермер ва хунарманд қизлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Танловда ҳакамлар ҳайъати аъзолари улар билан юзма-юз мулоқот қилишди, иш фаолияти, эришган ютуқ ва камчиликлари, келгуси режалари билан танишишди. – Фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, – дейди У. Қалниязова. – Ёшлигимдан тикиш-бичиш, тўқушга қизқар эдим. Шундан бўлса керак ҳозирги кунда хунармандчилик билан шуғулланиб келмоқдаман. Асосан курак кўрпачалар,

УНУТИЛАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

БАРЧАМИЗ НАВРЎНИ КАТТА ИШТИЁҚ ВА ТЎЙУ ТОМОША БИЛАН ЎТКАЗДИК. БАЙРАМ БАҲОНА БЎЛДИ-Ю, АНЧАДАН БЕРИ АЙТИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН БИР МАВЗУДА ФИКР БИЛ-ДИРИШНИНГ АЙНИ МАВРИДИ ЭКАНИНИ ТУШУНДИК. ГАП – РАҚС САНЪАТИ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКЧА РАҚС ҲАҚИДА.

чади, боланинг идеал жамият ва идеал шахс ҳақида тасаввурлари ўша чечен раққос йигитлари атрофида қолиб кетади. Йўқ, мен миллий маҳдудлик тарафдори эмасман, лекин ҳар ишда меъёр бўлиши керак, дейман.

Эслийсизми, 90-йилларда “Брейк” йўналишидаги рақс постсовет ҳудудиде шитоб билан оммалашган эди. Жамият қандай бўлса, унинг кун тартиби ҳам шун-

Билмадик, қачон ва қай тарзда бу одат пайдо бўлди, аммо ёшлар ўртасида грузинча, чеченча рақс оммалашди. Ким шу рақс элементларини яхшироқ эпласа, ҳаракат-

ман деганининг етмиш икки суягини ўйнатиб, вужудини яйратадиган, ўзига ярашадиган, усуллари ҳам жуда ярашиқли бир рақс бу. Аммо ни-магадир йигитлар орасида бу рақс

ИНСОФ ҲАМ ҚЎШИБ СОТИЛЯПТИ

ёхуд лошхона-ошхоналардаги нарх-наво қачон назорат қилинади?



Гап ушбу икки сўзга роса жарангдор қофия бўлиб тушадиган ОШХОНА ҳақида кетмоқда.

Сўнгги йилларда турли-туман ошхоналар сони шу қадар кўпайиб кетдики, муқаддам фақат шаҳарлару туман марказларида кўзимиз тушадиган емакхоналардан барча турларини бугун чекка қишлоқларда ҳам кўраемиз.

боблашнинг кундалик даромадини билиш учун бунча миқдор кабобга қанча килограмм гўшт кетиши билан қизиқман ва қўшни қиз айтган рақамдан ҳайратга тушман.

“Бир ҳафтада тўрт кун бозор бўлади, демак, ўн минг донача кабоб сотилади. Бунинг учун икки юз килограмм лаҳм гўшт эллик беш-олтмиш минг сўм эди. Икки юз килограмм лаҳм гўшт нархи 11-12 миллион сўм дегани. Шундан тайёрланган кабоб эса 30 миллион сўмга сотилади. Майли, кўмир, солиқлар, ишчиларга бериладиган ҳақни олиб ташлайлик. Шундаям кабоблар сарфлаган бир сўм унга икки сўм бўлиб қайтмоқда.

Мана, ҳозирда оқватланиш нима учун қиммат экани манбаи қаердан келиб чиқаяпти.

Ошхоналар (ўша кабобхонаю сомсахона ва балиқхоналарни ҳам ҳеч иккиланмасдан қўшамиз бу тизимга) аксилсанитария, яъни халқона ибората айтадиган бўлсак “лошхона”га айлангани масъул бўлган ташкилот – ДСЭНМ (бу атама бир неча марта ўзгарди) масъулларини қизиқтирмайпти. Нима, “уларнинг ҳам бола-чақаси бор” деганми?

Балли! Ёчимини кутаётган муаммо аслида шунга бориб тақалади. ...Яқинда Урганч шаҳридаги бир ошхонага нафас ростлаш учун кирдик. Ниятимиз оқватланиш эмас, чанқоқни босиш учун чой ичиш эди. Тўрт киши икки чойнак чой ичдик. Ичган чойимизни ҳисоблаш учун касса олдида борганимизда... боғияна ичган чойимиз пешонамиздан тер бўлиб чиқиб кетди. Икки чойнак чой 15 минг сўм (!?) бўларкан.

Пулини тўлаётми, айтдик: “Нима, минерал сувдан тайёрланганими чойинг?”

Ҳатто минерал сувдан тайёрланганда ҳам бир чойнак (500 грамм сиймлли) бу қадар қиммат бўлмайди-да!

...Урганч шаҳридаги бир ошхонада яримта борш ва битта кабобга 80 минг сўм тўлаганимизда ҳам ҳайратландик. Кўпи билан юз грамм қарам ва юз граммча гўшт солинган борш 40 минг сўм тураркан. Кабоби эса 15 минг. Қолгани чой ва хизмат қилгани учун эмиш.

Айни шу ўринда ошхона чин маънода БАРДОШХОНАга айланади. Сабру бардошинг ва ҳамёнингдаги пули етса, оқватлан, дегани бу!

Бир килограмми 25 минг сўм турадиган балиқ қўзурилиб, 60 минг сўмдан сотилаётганини ҳам ажабланарли.

Шу ўринда “Инсоф ҳам ярим бўлсин” деган отасўзимиз ёдга тушади. Ва яна “Бир фойда – фойда, икки фойда қайда?” деган отасўзимиз ҳам бор. Бу қадим маталлар инсофга чорлов. Ҳозирда эса...

...Бир сўмлик масаллиқдан икки-уч у ёқда турсин, тўрт ҳисса фойда қилишни касб қилганлар кўпайиб кетди.

Уларга инсоф тилаш – ҳўрандининг иши. Ҳар ҳолда шаҳар бедарвоза эмас, соат сайин нафси ҳақалак отиб кетаётган ноинсофларни назорат қилиш учун ҳам давлат раҳбари буйруғи шарт эмасдир!?

Бундан беш йиллар муқаддам бозорда анча миқдор яроқсиз гўшт тегишли ташкилотлар томонидан мусодара этилиб йўқ қилингани ва уни сомсапазга сотган қассобга чора кўрилгани ҳақида мақола чиққанди.

...Очиқ айтиш керак, одамларнинг касалланган молларини арзон гаров нарҳда сотиб оладиган қассоблар ҳам кўп. Касалланган чорва моли майли-ку-я, ҳаром қотган моллар гўштини ҳам деярли текин нарҳга баҳолаб олиб кетишгани ҳақида кўпгина ҳолатларни биламиз. Бу гўшлар албатта қанорада сотилмайди, балки кабобпаз ва сомсапазларга тарқатилётгани аниқ.

Бу ҳолатлар оз бўлса-да, учраб турганидан кўз юмиб бўлмайди (Ижтимоий тармоқларда роса шов-шув бўлган эшак гўшти сотувчилари ҳақида гапирмаймиз ҳозир).

...Бир врач танишим бундан анча йиллар аввал касбини ташлаб, кабобпазлик билан шуғулланди. Ва орадан кўп ўтмай, ўша кунгача эшакравазия бўлмаган, пиёда юрган одам бир пасда янги русумдаги машина минди.

Ниманинг эвазига демасизми? Энди тушунгандирсиз, инсофсиз кабобпазу сомсапазларнинг ҳўрандаларни қандай “таом” билан сийлаш-ётганини?

Бу ҳолат миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналарда учрамайди, деб ким қафолат беради?

Кафолат берадиган масъул ташкилотлар кимлар ва уллар қаерда? ...Аҳолига тоза ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказишни назарда тутиб, бундан беш йиллар муқаддам ҳар бир туманда махсус қушхоналар фаолият кўрсата бошлаганди. Мақсад – қассоблар аҳолидан харид қилган қорамол ва бошқа чорва молларини айнан барча санитария талабларига жавоб берадиган қушхоналарда сўйиб, гўштнинг сифатини қафолатловчи ҳужжат олгачина савдо қилишини таъминлаш эди.

Йўл ёқасида жойлашган шундай катта қушхона олдида кўп ўтишимга тўғри келади. Аммо бирор марта бу ерга олиб кирилатган чорвага кўзим тушмади, қушхона ичкарисида кўзикар бўкиришини ҳам эшитмадим...

Демак, бу тизим “эски ҳаммом, эски тос” усулига қайтган. Қассоблар исталган жойда чорва молларини сўйишда ва қушхонага фақат ўша ҳужжати олиш учун келишади. (Те-

“ЛЕЗГИНКА” ДАН АВВАЛ “ЛАЗГИ” НИ ЎРГАНИНГ!

лари ўхшаса, ўша йигитча бундан ғурурланадиган аҳволга келдик. Ёмонми? Албатта, бир қарашда безиён. Омади гап шуки, биз, аслида, бошқачароқ одамлар эдик, юрак ҳовурини акс эттирадиган жуда гўзал ва ноёб рақс санъатимиз бор эди. Қизиқ, қаёққа гоёиб бўлди у?

“YouTube”ни кўринг. “Лазги” деб қидирувга берсангиз, йигитлар, улфатлар шайтон рақсига ўхшаган, умуман тушунарсиз ҳаракатлар билан, шахвоний қилиқлар қўшиб эшилаётганини кўрасиз. Холбуки, Хоразм санъатининг гултожи бўлган “Лазги” оҳанглирида ҳақиқий йигитлардек, чапани, ғурурли, бекиёс усулларга эга рақс йўли бор эди. Бугун у давра, тўй-ҳашамлардан йўқолиб кетган...

“Дилхирож”ни олинг, аслида, бу ҳақиқий улфатлар даврасидаги вазиятни намоён қиладиган рақс тури. Лаганда ош кўтариб кирадиган йигит дўстларини рақсга чорлайди, таомдан аввал беш дақиқа давра қуриб ўйин кўрсатади, аммо таомга гард юқмайди, бир дона гуруч тўкилмайди, бунинг завқида бошқалар ҳам қўшилиб рақсга берилади...

Аммо бугун “Дилхирож” ўзбек йигитларининг рақс услуби сифатида деярли йўқолиб кетган. Расмий тадбирларда дипломи раққослар ўйнайди, қарсак чаламиз ва шу билан тугади: салом, “Лезгинка”, салом, қавказча рақс...

“Анджон полкаси” эсингиз-дими? Ориф Тошматов куй яратди, Абдуғаффор Қодиров рақс йўлини толди ва бу куй, рақс мисли кўрилмаган даражада оммалашди. Йигит-



Саид БОБОЕВ

дай бўлади, дейдилар. Шу маънода, ўша тартибсиз, тушунарсиз, бачкана кунларга мос, ўхшаш бу рақс ўсмирлар орасида кенг оммалашиб, гўё ўша кунларнинг ёшлар ҳаётидаги акси бўлганди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Охир-оқибат 90-йиллар авлоди чуқур депрессияни бошидан кечирди, қанча ёш-ёш йигитлар террористлар қармоғига осон илинди, яна қанчаси сал қийинчилик кўргандаёқ, хорижга ишлаш ва яшаш учун кетиб қолди... Бу мафкура жабҳасидаги аламли мағлубият эди!

Бу воқеалар ўртасида нозик бир боғлиқлик борлигини тушунган тушунади. Зотан, уллар илдиридан беихтиёр узилиб қолган, ота-боболарининг ўзанидан бошқа ёқларга назар ташлаган авлод эдилар. Бугун ҳам шу тенденция изчил давом этапти, ишонинг. Мусиқада, рақсда янги трендлар пайдо қилиш, кейин уни муайян ҳудудларга реализация қилиш – ўйланган пропаганда кампаниясининг бир қисми.

Ҳўш, биз бу курашининг қаери-дамиз?

Биз қайси булоқлардан сув ичяпмиз? Илдирилдан узоқлашманг, майда нарсалар катта кўнгилсизликлардан дебодасидир.

Саид БОБОЕВ

ОГОҲЛИК

НЕГА ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ ЁЗДА КУЧАЯДИ?

Ўлкамизда ёзнинг жазирама кунлари бошланиб, мева-сабзавот ва полиз экинлари пишиб етилди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бозор расталарида ўз таровати билан ҳар бир киши эътиборини тортмоқда. Растага жойлаштирилган маҳсулотларни қизиқиб билан татиб кўрган бўламиз. Лекин уларнинг санитария-гигиеник ҳолатига кўп ҳам эътибор бермаймиз. Бунинг натижасида ўткир юқумли ичак касалликларига чалиниб қолишимиз ҳеч гап эмаслигини унутиб қўямиз.



Акс ҳолда ўз билганича, нотўғри муолажа қилиш, антибиотиклардан ўринсиз фойдаланиш ёки ўз вақтида даво чоралари кўрилмаслиги оқибатида оғир асоратлар юзгага келиши мумкин.

Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш ва чалинмаслик чораларини кўриш афзалроқдир. Ўткир юқумли ичак касалликларидан сақланиш учун:

- сувни қайнатилган ҳолда ичиш;
- озодликка риоя қилиш, айниқса, қўлларни овқатдан олдин ва ҳожатдан кейин совунлаб ювиш. Умуман, ишда, жамоат жойларида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш;
- ҳўл меваларни харид қиладиганингизда таъмини татимасдан, мевалар ва полиз маҳсулотларини яхшилаб ювиб, сўнг истеъмол қилиш;
- яхши сақланмаган ва узоқ вақт туриб қолган овқатлар ҳамда салатларни истеъмол қилмаслик;
- очик сув ҳавзаларида чўмилганда сувнинг тозаллигига ва чўмилиш жараёнида сув ютмасликка эътибор бериш;
- совутиқларни тоза тутиш, ундаги маҳсулотларнинг ўз вақтида истеъмол қилиниши ва тез-тез янгилаб турилиши;
- пашшалар кўпайишига йўл қўймастик каби тадбирларни амалга ошириш.

Ушбу тавсияларга риоя қилиш саломатлигингиз гарови бўлиб хизмат қилади.

Гулҳебра СОБИРОВА, Фуқаро авиацияси объеклари санитария-эпидемиология осойишталик маркази врач эпидемиолог

XXI АСР МАВЗУСИ

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ТАРМОҚЛИ МАРКЕТИНГ!

**БИРИНЧИ ФАРЗАНДИМ ТУҒИЛГАН ПАЙТ ДЎСТИМ
БИЛАН ҚЎҚОНДА БИРИНЧИ ВА ЯГОНА ИНТЕРНЕТ-КАФЕ
ОЧИБ, БИР НЕЧА ОЙ ЎЗИМ АДМИНИСТРАТОР БЎЛИБ
ЮРГИЗИБ, БИР УКАМИЗНИ АДМИНИСТРАТОРЛИККА
ҚОЛДИРИБ, ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛГАН ВАҚТИМ ЭДИ.**

Бу ерда бекор юрмаслик учун иш қидира бошладим. Уша пайтларда “Частный сектор”, “Ташкентская неделя” деган тижорат-эълон газеталари бўларди. Газетада эълон бериш ўзига хос қизиқ бизнес эди. Бу ҳақда ҳам ёшларга бирор кун айтиб берарман.

Хуллас, газетадан иш эълонларини қарандим. “Офисда иш” деган эълонлардан бирига кўнғироқ қилдим. “Офисда ишлаш сизга ёқадими? Ёқса, фалон куни фалон соатда фалон жойга келинг. Фалончи орқали келдим, деб айтинг”, деди бир аёл.

Айтилган вақтда айтилган жойга бордим. Анчагина одам йиғилган экан. Навбат билан чақира бошлашди. Навбатим келди, мен билан телефонда гаплашган орани тоқдим. Нима ишлигини сўрасам, “Herbalife”, деди. Ҳафсалам пир бўлди. Чунки ўша пайтларда Herbalife қонуний таъйибдан қочиби, кўп мартабала номини ўзгартириб (Худди ҳозирги Beverlee номини Bebeever га алтиргани каби) юрган ва тармоқли маркетинглиги маълум бўлиб улгурган компания эди.

Кайфиятим тушиб кетганини кўрган опа Herbalife ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси бўхтонлигини айтиб, компания презентациясини кўриш учун сал наридаги каттароқ залга таклиф қилди. (Залга кириш пулли экан. Ишга кирса ҳам, кирмаса ҳам, келганлардан пул олиб қолиш учун шу вазиятдан унумли фойдаланишган экан шоввозлар.)

Ўнимда сўм йўқ, валюта алмаштиришга улгурмагандим. Опанинг ўзи мен учун пул тўлаб юборди. Қолганлар пул тўлаб кирди. Презентация бошланди.

Бу ўзига хос тақдирот шаклини кейинчалик деярли ҳар бир биоқўшимча сотадиган тармоқли маркетингчиларда кузатдим.

Биттаси чиқадди, ўз ҳикоясини айтди. Ҳикоясига кўра, деярли ўлим ёқасидаги касал Herbalife маҳсулотларини ичиб тузалган ва ўзида кузатилган ижобий натижани бошқаларга ҳам етказишни ўз бурчи қилиб белгилаб олган бўлади. Экранда ўша нотинчнинг аввалги 150 килолик, бир аҳволдаги расми ва ҳозирги ҳолати таққосланади...

Ҳайрон бўлган жойим, 10 тача нотик чиққан бўлса, уларнинг барчасида айнан бир хил ҳикоя такрорланди. Ҳаммаси бир ўлимдан қолган, ҳаммаси 100–150 кг бўлган, ҳаммаси Herbalife нинг “сеҳрли” маҳсулотлари билан гўзал ҳаётга қайтган. (Ичимдан буларга наҳотки биророта соғлом одам ишга келмаган бўлса, деган гап ўтди).



Инсоннинг ичини чойнак билан таққослашди. Чойнакка тинимсиз чой куйилиб бўшатилавергандан кейин чойнакнинг ичи қорайиб кетишини, уни махсус химикат билан тозаламаса бўлмастлигини айтиб, “Сизларнинг ичингиз ҳам шундай бўлиб ётибди, Herbalife бунга тозалайди, бўлмаса, бир неча йилда бизнинг аввалги ҳолимизга тушиб қолишинглар ҳеч гап эмас”, дейишди.

Ундан кейин экранда Женнифер Лопес, Майкл Жексон каби дунё миқёсидаги юлдузлар иштирок этган базмлар намойиш этилди. “Бу базм ва байрамлар бизнинг фалон даражадаги директорларимиз учун ташкиллаштирилган. Сиз ҳам шулар даврасида бўлишингиз мумкин”, деган гаплар билан йиғилганларни ҳаяжонлантиришди.

Буларнинг ҳаммаси моҳирона танланган сўзлар, скриптлар ва психологик трюклар билан амалга оширилдики, йиғилганларнинг кўпчилиги таъсирланмай қолмади.

Нью Йоркдаги базм орузида, ҳаёлида миллионерга айланиб улгурган даврадаги инсонларга аввал ўзлари маҳсулотлардан бир

курс фойдаланиши, кейин бошқаларга сотиш учун тахминан 300 долларлик маҳсулот таклиф қилинди.

Бир тadbирда қўрқитиш ҳам, ёлғон мисоллар, ўринсиз таққослар ҳам, инсоннинг орзу-ҳаваси билан ўйнаши ҳам, ёлғон ваъдалар ҳам бўлди.

Тармоқли маркетинги нима, пирамида усулидаги сотув нималигини билмаган, бирор жойда ишламаган соддалар кўпчилики эди. Бир нечтаси ўша кунги тadbир қурбонига айланишди.

Тadbирдан кейин чиқиб кетаётганимда ҳалиги опа “Компаниямизга қўшиласизми?” деди. Рад жавобини бердим. Бироз баҳслашдик, мени ишонтира олмади ва мен кетдим...

Орадан йиллар ўтди. Мехмонхонада ишлаб юрган давримда бир нотинч компания конференция-зални ижарага олди. Tadbирдан хабар олиш учун залга борганимда ўша таниш “собиқ касаллар”ни кўрдим. Зални ижарага олган компания ўша Herbalife’нинг янги очилган фирмаси бўлиб чиқди. Ўша опани яна кўрдим. Бизга биринчи учрашувда бойиб

кетишимиз учун айтилган муддат аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, биз мабодо ишга кирган бўлганимизда биздан юқорида турган бўлиши керак бўлган ўша “собиқ касаллар” ҳали ҳам ҳаётда айтарли бир нарсага эришмаган, ҳали ҳам бошқаларни алдаб юрган эди...

Кейинчалик Herbalife ёпилиб кетди. Ҳозир янги ном билан ишлаяптими, йўқми, билмайман. Булардан бошқа-бошқа яна бир қанча тармоқли маркетинглар пайдо бўлиб, йўқолди. Ҳозир ҳам бир нечтаси турли янги номлар ва бошқа маҳсулотлар билан фаолият кўрсатишмоқда. Шулардан бири Beverli.

Тармоқли маркетингда маҳсулот муҳим эмас. Иш принципи ҳар қандай маҳсулотни сотиш усули яратилиши ва ҳар доим пирамиданинг энг пастки қатлами ҳисобидан юқоридагиларга манфаат келтиришдир. Маҳсулот бирор биоқўшимча, бирор техника ёки сув фильтри ҳам бўлиши мумкин. Муҳими, ҳамма жойда сотилмайдиган бирор маҳсулот бўлса бўлди. Кейин унинг рекламасига катта пул тикилади ва пирамида қуриш бошланади.

Пастки қатлам ё соддалик билан қармоққа илинади ёки мақсадли равишда ўзидан кейинги одамларни кўпайтириб, ўзи пирамиданинг юқурироғига чиқиб олиб, пастдагилар ҳисобидан фойда кўришни аввалдан кўзлаб ишга қўшилади. Биринчи тоифадагиларни содда, гўллар десак, иккинчи тоифадагиларни инсофсиз, деб аташ тўғри бўлса керак.

Тармоққа янги қўшилган одамнинг савдосидан уни тармоққа қўшган одам ва ундан ҳам тепадагилар фойда кўриши аввалдан бизнесларнинг барчаси тармоқли маркетингдир.

Баъзилар “Тармоқли маркетинг бу пирамида эмас” дейишади. Молиявий пирамида ва тармоқли маркетингдиги пирамида усулидаги фаолиятнинг фарқи шуки, молиявий пирамидада маҳсулот бўлмайди. Маҳсулот ўрнида “қимматли қоғоз” ёки бирор компаниянинг акцияси бўлиши мумкин. Тармоқли маркетингда эса маҳсулотдан фойдаланилади.

Тармоқли маркетинг бизнесига қўшилиб қолиш худди қиморда ютқишга ўхшайди. Қиморда ютқишган одам ютқишган пулини қайта қўлга киритиш учун жонини бериб ҳаракат қилгани каби тармоқли маркетингга бошида бир неча юзлаб доллар пул тиккан одамлар ҳам сармоясига қуйиб қолишни истамайди. Шу йўлда, керак бўлса, энг яқинларини ҳам тармоққа аъзо қилади.

“Бир зумда ўз бизнесингизга эга бўлинг! Фалон даражадаги директорга айланиб, Дубайда маза қилиб дам олиб юринг!” деган баландпарвоз гапларга алданманг. Тармоқли маркетинг ўлжасига айланманг ва яқинларингизни уларнинг домига тортманг.

Албатта, бу мақола шу ишларга аралашиб қолганларга ёқмайди. Изоҳларда табиий равишда эътирозлар билдиришлари мумкин. Мен сизларни тушунаман. Пулингиз қуйган. Бу вазиятдан чиқиб кетишингиз керак. Ёки бошқаларни ўзингизнинг изингиздан тортиб, уларнинг устидан фойда кўриш сизга маъқулдир. Аммо бу йўл тўғри йўл эмас!

Туркларда “Зарарнинг қаеридан ортга қайтсанг ҳам – фойда” деган мақол бор. Зарарни бошлаб қўйган бўлсангиз, ундан кейинги зарарга қараб кетаверманг. Тўхтагн. Агар бошламаган бўлсангиз, зарарни бошламасдан аввал тўхтагн! Ақлингизни ишлатинг. Яқинларингизни огоҳлантиринг!

Дилшод ОДИЛОВ

ПРЕМЬЕРА

**Дарсдан чиқиб, телефони
нимни ёқсам, амалиёт
раҳбаримиз, таниқли
журналист Нурхон
Элмирзаева менга
“Telegram” орқали хабар
жўнатибди: “Киночилар
уйида “Ватан остонасида”
фильми намойиши бўлади,
имкон топиб қатнашинг!”**

Тезда айтилган манзилга етиб бордим...

Залдаги қизил гиламдан чиқар эканман, икки томонга қўйилган кино соҳасига оид кўргазмалар эътиборимни тортиди. Фильм бошланиб қолишидан хавотир олиб, кўргазмани кейин томоша қиламан деб кино залига кирдим. Орқа ўриндиқлардан бирига жойлашиб, роль ижро этган айрим актёр ва актрисалар ҳам келганини кўрдим. Эътиборли жиҳати, фильмда Бобур Йўлдошев, Карим Мирҳодиев, Раъно Шодиева, Фотиҳ Насимов, Вазира Юнусова, Зумрад Эшонқулова, Ангелина Турсоатова, Баҳром Усмонов, Бахшилло Фатиллоев каби машҳур ўзбек санъаткорларидан ташқари турк актёрлари ҳам роль ижро этган.

Ёш актёр Фотиҳ Насимов Санжар исмли чегарачи роли орқали ҳар доим юртини химоя қиладиган шахсни гавдалантирган. У ўзига берилган топшириқларни сидқидилдан бажарган. Асосий роллардан бирини ижро

Жасорат ҳақида янги фильм



этган Зумрад Эшонқулова эса Зарифа исмли аёл образини жуда таъсирли уйнаган. Воқеалар ривожини барчани таъсирлантирган ушбу ижод маҳсулини кўриб, режиссёр Ҳилол Насимов нав-

батдаги фильмини ҳам маҳорат билан саҳналаштирганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store”дан “XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.

Газетанинг электрон обуна нархлари:

12 ойлик – 96 минг сўм;
6 ойлик – 48 минг сўм.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожддин САЙИДИ
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 751 Адади: 4410
Электрон обуна – 1355

Баҳоси келишилган нарҳда.
Топширилди – 19:30

Таҳририятга келган қўлғизлар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Сардор МУСТАҒОЕВ